Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 54 (21. 173) 1992 йил 17 март, сешанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

Ўзбекистон— Хитой:

ҲАМКОРЛИКДА ЯНГИ САҲИФА

● Ислом КАРИМОВ: Хитой билан ўзаро муносабатларимиз тарихида янги саҳифа очилди.

● Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегация давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида 1992 йилнинг 12 мартидан 14 мартигача бўлди.

● Ташриф давомида Хитой Халқ Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида ўн бешта муҳим ҳужжат имзоланди.

● Ўзбекистон ва Хитой раҳбарларининг музокаралари ишчанлик ва дўстона вазиятда ўтди. Музокараларда ўзаро манфаатларни ифодаловчи масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Музокаралар пайти.

(ЎзА фотохроникаси).

ЙЎЛИМИЗ ТЎҒРИЛИГИГА ИШОНЧ

Республика Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси Хитой Халқ Республикасига қилган расмий ташрифи тугаганидан кейин 14 март куни Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида делегация аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

Кутиб олувчилар орасида ХХРнинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Ли Чженьхуа бор эди.

И. А. Каримов самолёт пиллапоясида туриб шахсан ўзи ва делегациянинг бошқа аъзолари номидан ташриф якунларидан чуқур мамнуният изҳор этди.

Хитой билан ўзаро муносабатларимиз тарихида янги саҳифа очилди, деди у. Мазкур буюк мамлакат билан ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш учун яхши асос солинди — ташриф давомида Хитой Халқ Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида ўн бешта муҳим ҳужжат имзоланди. Республикамиз делегацияси олий даражада музокаралар олиб борди, бизга мустақил давлатнинг вакиллари сифатида берилган диққат эътибор танлаб олган йўлимиз тўғрилигига яна бир бор ишонтирди, деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов.

(ЎзА).

ТАШРИФ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ХХРга ташрифи якунлари юзасидан Пекинда Ўзбекистон — Хитой қўшма ахбороти имзоланди. Ҳужжатда, жумладан, бундай дейилади: Хитой Халқ Республикасининг Раиси Ян Шанкуннинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегация 1992 йилнинг 12 мартидан 14 мартигача давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.

Президент Каримов билан Ранс Ян Шанкун ўртасида муҳим, сермазмун суҳбат бўлиб ўтди. Президент И. А. Каримов билан Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош вазири Ли Пэн ўртасида музокаралар бўлди. Иккала давлат раҳбарлари дўстона, самимий ва ишчанлик вазиятида Ўзбекистон — Хитой муносабатларига доир масалалар, шунингдек, ўзаро манфаатларни ифодаловчи масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

Икки томонлама музокараларнинг якунларига кўра томонлар: Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида консультациялар тўғрисида протокол; иккала мамлакат ҳукуматлари ўртасида маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва спорт соҳаларида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим; илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида; темир йўл транспорти, автомобиль ва денгиз транспорти соҳаларида ҳамкорлик ҳақидаги ҳукуматлараро протоколларни имзоладилар. Шунингдек, иккала мамлакат Қишлоқ хўжалик вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, банклараро битим ва бошқа ҳужжатлар ҳам имзоланди.

Томонлар якдиллик билан шундай фикрга келдиларки, олий даражадаги биринчи Ўзбекистон — Хитой учрашуви муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосларини белгилаб берди ва иккала мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашади. Бу эса икки мамлакат халқларининг манфаатлари ва орзу-умидларига мос келади. Оснёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда барқарорликни сақлашга хизмат қилади. Томонларнинг яқдил фикрича, иккала мамлакат раҳбарлари ўртасидаги сиёсий алоқалар ҳамда мулоқот муҳим ва фойдали бўлиб, булар бундан буён ҳам давом эттирилади.

Томонлар, Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўз халқлари ўртасидаги дўстлик муносабатларини, иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни суверенитет ва ҳудудий яхлитликни ўзаро ҳурмат қилиш, ўзаро ҳужум қилмаслик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, тинч-тотув яшаш қоидалари асосида ривожлантиришларини билдирадилар.

Томонлар сиёсат ва иқтисод, фан ва техника, қишлоқ хўжалиги, савдо, транспорт, алоқа, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, сайёҳлик, физкультура ва спорт соҳаларида, шунингдек, бошқа соҳаларда иккала мамлакат ўртасидаги тенг ҳуқуқли ўзаро манфаатли ҳамкорликни бутун чоралар билан ривожлантирадилар, ҳамжиҳатликни чуқурлаштиришга ва алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашадилар.

Томонлар иқтисодий ҳамкорлик ва савдо-сотиқ иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг муҳим таркибий қисмидир, деган яқдил фикрдадирлар. Томонлар иқтисодиёт, савдо йўли билан айирбошлаш ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли алоқаларнинг ривожлантирилишини таъминлаш чораларини кўрадилар.

Томонларнинг ҳар бири ўз миллий қонунлари доирасида ўз ҳудудида бошқа томоннинг инвестицияларини рағбатлантириш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтирадилар, биргаликдаги самарали тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида уларнинг ҳимоя қилинишини таъминлайдилар.

Томонлар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар жиҳатдан алоқаларни ривожлантиришга ёрдам берадиган томонларнинг давлат ташкилотлари, корхоналари, муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантирадилар.

Томонлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида, экология муаммоларини ҳал этишда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантирадилар, шунингдек, ўзаро ишонч, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорликнинг янги соҳаларини ривожлантиришга интиладилар.

Ўзбекистон ХХР ҳукумати билан расмий муносабатлар ўрнатди ва Хитойнинг бирдан-бир қонуний ҳукумати бўлмиш фақат Хитой Халқ Республикасининг ҳукумати билан муносабатларни сақлаб туради.

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳамда иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш учун курашаётган Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг позициясини, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш муддаосини қўллаб-қувватлайди.

Хитой Халқ Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ушбу ҳужжатда баён этилган тинч-тотув яшашнинг бешта қоидаси асосида адолатли янги халқаро сиёсий ва иқтисодий тартиб ўрнатилишини ёқлаб фикр билдирадилар. Бундай тартиб инсониятни тараққий эттириш, бутун дунёда тинчликни таъминлаш манфаатларига мос келади, шунингдек, барча мамлакатлар халқларининг муштарак орзу-умидларини ифода этади.

Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоминнинг мақсад ва қоидаларига содиқ эканликларини тасдиқлайдилар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти обрў-эътиборининг оширилиши, халқаро ишлар, жаҳоншумул аҳамиятдаги масалаларни ҳал қилишда ва минтақалардаги можароларни бартараф этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти яна ҳам каттароқ роль ўйнаши тарафдоридирлар. Ҳоҳ катта, ҳоҳ кичик, кучли ёки заиф, бой ёки камбағал бўлмасин, барча давлатлар халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиш ва тенг асосларда халқаро ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

(ЎзА).

Тошкентда АҚШ элчихонаси очилди

16 март куни Тошкент шаҳрининг Чилонзор кўчасидаги янги бино устида Америка Қўшма Штатларининг давлат байроғи ҳилпирай бошлади. Бу ерда мустақил Ўзбекистондаги дастлабки хорижий давлат элчихонаси — АҚШ элчихонаси жойлашди.

Элчихонани очиш маросими амалий, айни вақтда тантанали вазиятда ўтди. Элчихона биноси ҳовлисида республика пойтахти жамоатчилигининг вакиллари, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг ходимлари, чет эллик меҳмонлар тўпланишди. Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги Муваққат ишлар вакили Майкл Мозер йиғилганлар ҳузурида табрик нутқи сўзлади.

У Ўзбекистонда АҚШ элчихонасининг очилиши ёрқин ва катта аҳамиятга молик воқеа эканини айтиб, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик шу мамлакатлар халқлари фаровонлиги йўлида муваффақиятли ривожланишга ишонч билдирди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқовга сўз берилади. Вазир қисқа нутқида АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида дипломатик ваколатхоналар алмаштириш муҳимлигини, икки мамлакат муносабатларида янги давр бошланаётганини таъкидлади. Республика мустақиллигининг эълон қилиниши унга жаҳон ҳамжамиятига йўл очиб берди, ўз тақдирига мустақил эга бўлиш ҳуқуқинигина эмас, айни вақтда халқлар ўртасида тинчликни сақлаш ишига ўз ҳиссасини қўшиш имконини берди. Юздан ортиқ мамлакат Ўзбекистонни тан олгани, уни БМТга аъзо қилиб қабул этилгани республиканинг халқаро миқёсидаги обрўси баланд эканидан далолат беради. Вазир Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар ўзаро манфаатли, мустаҳкам асосда, икки мамлакат манфаатлари йўлида ривожланаверади деб ишонч билдирди.

АҚШ давлат гимни янграйди, унинг байроғи кўтарилади.

У. А. Абдураззоқов билан М. Мозер бинога кираверишда лентани қирқадилар — Америка Қўшма Штатларининг мустақил Ўзбекистондаги элчихонаси ўз фаолиятини бошлади.

Элчихонани очиш маросимида Ўзбекистон Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев, Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг раиси Д. Н. Шамшетов, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Ш. С. Зиёмов, Тошкент шаҳрининг ҳокими А. И. Фозилбеков, шунингдек, АҚШ давлат котибининг кўчмас мулк масалалари бўйича вакили Н. Салго қатнашдилар.

(ЎзА).

АҚШ элчихонасининг очилиш маросими. В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ «ҚОРА ОЛТИНИ»



ПРЕЗИДЕНТ МИНГБУЛОҚДА

РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ КЕЧА НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА БЎЛДИ

Президент билан бирга республика Бош вазири А. Муталов ва барча вазирлар ҳамда бошқармаларнинг бошлиқлари вилоятга ташриф буюрдилар. Ҳукумат раҳбарлари нефть топилган Наманган районидаги «Зарбдор» жамоа хўжалигида бўлдилар. Президент И. А. Каримов нефть фавворасини тўхтатиш, ёнилғи бойлигини халқ хизматига бўйсундириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, бу ердаги шароит, ишчиларнинг таъминоти каби масалалар билан атрофлича танишди. Барча вазирлар иштирокида республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мутасадди раҳбарлар муҳокама этилган масала юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда Москва ва Грозний шаҳарларидан келган мутахассислар ҳам иштирок этишди. Улар отилиб чиқаётган нефтни жиловлаш ҳақида ўз фикр ва таклифларини билдирдилар, амалий ёрдам беришга тайёр эканликларини айтдилар. И. А. Каримов шундай пайтда ёрдам қўлини чўзган биродарларга халқимиз номидан миннатдорчилик билдирди.

Йиғилишда Наманган, Андижон, Фарғона вилоятлари ҳокимлари ҳам қатнашдилар. Улар аҳолини муҳофаза этиш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилаётганини айтдилар.

А. МАДАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Наманган районидаги «Зарбдор» жамоа хўжалиги далаларида нефть излаб, бурғулаш ишлари олиб борилаётганида шу пайтгача сира ҳам мисли кўрилмаган нефть фаввораси зўр куч билан отилиб чиқди. Рўзномамизнинг ўтган сонларида ҳам шу ҳақда ахборот босилган эди. Бугун биз муштарийларимизни рўзнома махсус мухбирларининг воқеа содир бўлган жойдан ёзиб келган репортажлари билан таништирамиз. Ушбу репортаж рўзноманинг 3-саҳифасида эълон қилинмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН ЧАҚИРИЛГАН МУДДАТЛИ ХИЗМАТДАГИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Собиқ СССР давлатларининг ҳудудида, МДҲ Бирлашган Қуролли Кучларининг бирлашмалари, қўшилмалари ва ҳарбий қисмлари жойлашган бир қатор жойларда зиддиятли вазият юзага келганлиги натижасида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмиш муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан фаол ҳимоя қилиш зарурати туғилди. МДҲ таркибига кирмаган республикаларда бу масала, айниқса, долзарбдир.

Ўз миллий Армиясини тузишни эълон қилган бир қатор республикаларда нафақат жанговар техника ва қурол-яроғларни, балки шахсий составни ҳам миллийлаштириш ва хусусийлаштиришга, Ўзбекистон Республикасидан чақирилган ҳарбий хизматчиларни шу республикаларга содиқман деб ҳарбий қасамёд қабул қилишга мажбурлашга уриниш бўлмоқда. Ҳарбий қисмларни миллатлараро зиддиятларни ҳал этишга тортишга зўр бериб ҳаракат қилинаётган минтақаларда фуқароларимизнинг ҳаёти ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солинмоқда.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хизмат қила олиши учун зарур шарт-шароитларни таъминламайди, ўз фарзандларининг тақдири учун ота-оналарни асосли равишда ташвишга солмоқда, республика Олий Кенгашига келаётган кўплаб мурожаатлар ана шундан далолат беради.

Юқорида баён этилганлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасидан чақирилган ва ҳозирги вақтда МДҲ таркибига кирмайдиган (Литва, Латвия, Эстония, Грузия) давлатларининг ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларда, ўз Қуролли Кучларини тузаётган (Украина, Озарбайжон, Молдова) республикаларда, Кавказорти ҳарбий округи ва Каспий флотилиясида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар бир ойлик муддат ичида чақириб олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси:

а) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмиш ҳарбий хизматчиларни бундан буён ушбу қарорнинг 1-бандида уқтириб ўтилган минтақалар ва давлатларда жойлашган МДҲ Бирлашган Қуролли Кучларининг ҳарбий қисмларида хизматни ўташ учун жўнатмасин, битим бўйича хизматни ўташ бундан мустасно.

(Давоми 2-бетда).

ҲАМДАРДЛИК ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

Туркия Республикасининг Эрзижон шаҳри яқинида рўй берган кучли зилзила муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Президент Турғут Ўзолга ва Бош вазир Сулаймон Демирэлга телеграммалар юборди.

Телеграммаларда дўст мамлакатнинг раҳбарларига, ҳалок бўлганларнинг оилаларига ва ёру биродарларига сидқидилдан ҳамдардлик изҳор этилган.

(ЎзА).

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

МЕҲНАТЧИ МУШКУЛИНИ ЕНГИЛЛАТАЙЛИК

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган IV пленумида бозор иқтисодиётига ўтишдек қийин, мураккаб бир даврда меҳнаткашларнинг аҳволини яхшилаш, уларнинг оғирини енгил қилишда ХДП бошланғич ташкилотларининг ролини кескин ошириш, партия аъзоларининг фаоллиги, ташаббускорлигини кучайтириш ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Куни кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов Тошкент шаҳридаги Киров, Октябрь, Сирғали, Акмал Икромов районларида жойлашган бир қатор саноат корхоналарида бўлди ва ХДП бошланғич ташкилотлари, партия аъзоларининг фаолияти билан танишди. У меҳнат жамоалари амалга ошираётган ишлар, корхоналарнинг шу бугунги иқтисодий аҳволи, халқ истеъмоли молларининг ишлаб чиқарилиши, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари билан қизиқди.

М. М. Расулов бўлиб ўтган ошкора мулоқотлар чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва жумҳурият ҳукуматининг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга йўналтирилган фармон ва қарорлари мазкур корхоналарда қандай бажарилаётганлиги ҳамда меҳнат жамоаларининг раҳбарияти, партия ва касаба уюшмаси қўмиталари бу борада нима ишлар қилаётганлигига кўпроқ эътиборни қаратди.

Масалан, «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида корхона раҳбарияти, партия ва касаба уюшмаси қўмиталари ишчиларнинг моддий-маиший аҳволини имкон қадар яхшилашга интилаётганлигидан меҳнат жамоаси аъзолари мамнун. Бирлашмада ишчи ва хизматчиларга тушлик овқат учун 5 сўмдан пул берилаётган эди. Энди бу маблағни ҳар бир кишига 10 сўмданга етказиш мўлжалланаяпти. Бу ерда меҳнатчиларнинг аксарият қисмини аёллар ташкил этади. Уларга бир қадар енгиллик яратиш кўзда тутилмоқда. Буларнинг барчаси бирлашманинг ўз ички заҳиралари ҳисобидан амалга оширилади.

«Юлдуз»да илгари маҳсулотларнинг 30 фоизидан зиёдини давлат буюртмаси ташкил этар, шунга кўра ҳарбийлар учун кийимлар чиқарилар эди. Кўпгина хом ашёлар Россиянинг айрим вилоят ва шаҳарларидан олиб келинарди. Энди алоқалар деярли узилиб қолди. Бироқ корхона раҳбарлари иқтисодий қийинчиликлардан чиқиш йўлини собитқадамлик билан ахтаришмоқда. Шу мақсадда Наманган шойи газламалар комбинати билан шартнома тузилиб, камзулбоп матолар олиб келинди. Бу матолардан эркаклар ва ўспиринлар учун турли кийим-кечак, уст-бош тикиш йўлга қўйилди. Натижада мавжуд ускуналар самарали ишлатила бошланди, иш ўринлари ҳам камаймади.

«Малика» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг иқтисодиёти ҳам мустаҳкамланмоқда. Бу ерда халқ истеъмоли молларининг янги турларини тайёрлаш йўлга қўйилаяпти.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида эса айрим машина ва ускуналарга буюртма камайгани, уларнинг нарх-навоси оширилганлиги, собиқ иттифоқдош республикалардан эса эндиликда металл хом ашё, турли деталлар, эҳтиёт қисмлар келмай қўйганлиги натижасида корхонанинг иқтисодий аҳволи ночорлашиб қолаяпти. Ана шундай катта қийинчиликларга қарамай, корхона раҳбарияти, бошланғич партия ташкилоти ва касаба уюшмалари қўмитаси муайян режалар тузиб олишди. Шунга кўра иш жойларини камайтирмаслик, ишсизлик бўлмаслиги, ускуналардан имкон қадар самарали фойдаланиш чора-тадбирлари, йўллари ахтарилмоқда. Бунда, айниқса, республикамизнинг ўз ички имкониятларидан оқилона фойдаланиш зарур.

«Файз» ишлаб чиқариш бирлашмасида партия ташкилоти фаоллари билан учрашувда корхона жамоасида сиёсий-маънавий муҳит барқарорлиги таъкидланди. Аммо жамоа аъзолари замонавий ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган корхона тўхтаб қолмаслиги учун унга жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси ва Маҳаллий саноат вазирлиги ёрдам қўлини чўзиши, зудлик билан чоратадбирлар кўриши лозимлигини айтдилар. Сут-мой комбинатидаги аҳвол ҳам шунга ўхшаш. Бу ерда қишлоқ хўжалик жамоаларидан хом ашё етарли даражада келмаётганлиги натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш камаймоқда. Ҳолбуки, бу аҳволни ҳам жумҳуриятимизнинг ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб яхшиласа бўлади.

Тошкент шаҳрининг ишлаб чиқариш корхоналаридаги учрашувларда меҳнат жамоалари аъзолари жумҳурият Президенти ва ҳукуматининг республикадаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий аҳволини барқарорлаштириш юзасидан олиб бораётган изчил сиёсатидан мамнун эканликларини таъкидлашди. Бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган суҳбатлар чоғида ҳали кўпгина партия аъзолари Халқ демократик партиясининг юқори органлари амалга ошираётган ишлардан, партия ички турмушидан тўла хабардор эмасликлари маълум бўлди. М. М. Расулов корхоналарнинг ишчи ва хизматчиларига Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг куни кеча бўлиб ўтган IV пленуми, унда қабул қилинган ҳужжатлар, белгиланган тадбирлар, партия Раиси, Республика Президенти И. А. Каримовнинг шу пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида гапириб берди. Шунингдек, у Президент ҳамда ҳукумат қабул қилаётган фармон ва қарорларнинг жойларда бажарилишида бошланғич партия ташкилотлари, партия аъзолари ва етакчиларнинг тутган ўрни қай тарзда бўлиши лозимлиги хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов Тошкент шаҳридаги корхоналарнинг меҳнатчилари, районлардаги ХДП кенгашлари ходимлари билан бўлиб ўтган ошкора, очиқ-ойдин мулоқотлар чоғида ишчи ва хизматчилар, партия аъзоларини ташвишлантираётган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

О. НАЗАРОВ.

● *Баҳор байрами арафасида*

ОТАЛАР СЎЗИ—АҚЛНИНГ КЎЗИ

Баҳор нафаси уфурмоқда. Истиқлол туғини маҳкам тутган элимиз мустақилликнинг илк Наврўзини нишонлашга пешвоз чиқмоқда. Азалий айёмнинг Рамазон ойига тўғри келиши ўзига хос уйғунликдан нишонадир. Наврўз анъаналари миллий қадриятлар, бой маънавий меросимиз тикланаётганидан нуроний отахон, мунис онахонларимиз мамнун, «етказганинга шукур», дея дуо қилишмоқда. Ҳа, донишманд кексаларимиз сўзларида ҳикмат, ҳиммат, ибрат ва эзгулик. Шу боис Халқ демократик партияси мутаасддилари Наврўз арафасида уруш ва меҳнат фахрийларини бир пиёла чой устида суҳбатларини олиб, савобли ишга қўл урдилар.

— Байрам арафасида кексаларни йўқлаш, уларнинг кўнглини олиш азалий удумларимиздан саналади,— дейди Ўз ХДП Собир Раҳимов район кенгаши биринчи котиби Шукурат Асомов. — Инсоф билан айтганда, бугунги йиғиндан мақсад хайрли тадбирни савобли ишлар билан уйғунлаштириш. Кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучукларини тотиган, партия фахрийси даражасигача эришган сиздек отахону онахонларни бугунги кунда ХДПга аъзо бўлиб турганингиз билан фахрланамиз. Зеро, халқ фаровонлиги, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашни ўзининг бош мезони деб билган янги партиянинг оёққа туриши, нуфузи ортиши учун сизларнинг бой тажрибангиз асқотиши табиий. Келинглар, самимий суҳбатлашайлик, дил розиқ айтайлик, шарқона одобга хос фарзанднинг отага, отанинг фарзандига муносабати тарзида мулоқотда бўлайлик.

— Баракалла ўғлим! Бўларкану! Бу, янги партияси қачон жонланади, деб юрардик. Бизнинг ёшимиз ўтиб қолган бўлса ҳам ҳали ғайратимиз жўш уриб турибди, — суҳбатга қўшилади «Маданият» маҳалла қўмитасининг раиси Хожиакбар Қурбонов. — Ўғрини сўрасангиз, районимиз шаҳри азимнинг марказий ҳудудларини эгаллаган. Аллон, Чиғатой, Хастимом, уёғи Талабалар шаҳарчасига бориб тақалади. Ҳа, биз Тошкентнинг эски шаҳар қисмида камол топганмиз ва бу билан фахрланамиз. Партияга қўмагимиз керак экан, биз бунга лаббай, деб жавоб берамиз.

— Мен ҳам Ҳожиакбар отанинг гапига қўшиламан,— ўрнидан туради район маҳалла қўмиталари ишини мувофиқлаштириш кенгаши раиси Низом Алимов. — КПССдан воз кечиб, ХДП аъзоси бўлишни ихтиёр этдикми, ишларимизни ҳам янгичасига ташкил қилайлик. Мен маҳаллаларда одамлар ўртасидаги муомалалар «каттага ҳурмат, кичикка шафқат» тарзида бўлиши тарафдориман. Умуман, ёшлар ўзимизнинг шарқона тарбия топишига алоҳида эътибор беришимиз керак. Бунинг учун отахонларимиздан иборат ёшларни тарбиялаш кенгашларини таркиб топтиришни мақсадга мувофиқ деб биламан. Ана шундай кенгаш аъзолари маҳаллаларда аҳлоқ-одоб, тартиб-интизом масалаларига кўзқулоқ бўлиб туришлари, кўпгина муаммоларни жойида ҳал қилишларига имконият яратиларди.

— Сизларнинг дил сўзларингиз суянишга арзигулик мадад кучлари борлигидан далолатдир, — деб сўз бошлади Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгаши котиби, ХДП шаҳар кенгаши биринчи котиби Хотам Абдураимов. — Иқтисодий танглик, республика мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида район кенгаши бошлаган ташаббусни маъқуллаш керак ва оммалаштириш керак, деган фикрдаман. Боиси, бундай хайрли тадбирлар ХДП нуфузини оширишда, халқ билан алоқаси яхшиланишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

— Бундай савобли ишни Собир Раҳимовчилар бошлаб берганидан кўнгил сув ичмоқда, — деб гап бошлади район ҳокими Файзулла Раҳматуллаев. Мен ўйлайманки, янги партия аъзоси бўлганлик билан фахрланиш пайти келди. Бундан буён фаолликни ошириб, районда одобли фарзандлар сафини кенгайтиришга куч беришимиз керак. Ахир бекорга айтишмайди, бир болага етти қўшни ота-она, деб. Болаларимиз илмли, одобли бўлишлари билан бирга уларнинг келажаги ҳақида ўйлашимиз ҳам лозим. «Бекорчидан худо безор», дейишади. Болаларда ёшликдан касб-корга ҳавас уйғотиб борсак, айни муддао бўлади. Бу ўринда отахонларимизнинг сўзлари салмоқли ва таъсирли, деб ўйлайман.

— Тенгқурларимнинг бу ерда айтган гаплари менга жуда маъқул келди. ХДП район кенгаши яхши ишга қўл урибди. Болаларимизни, оилсангиз, 70 йил мобайнида алдаб келдик. Ваҳоланки, алдаш ёмон гуноҳлардан саналади. Уларга бор ҳақиқат — ўзимизнинг маънавиятимиз, тарихимиз ҳақида сўзлайлик. Ана шунда улар андишали, мулоҳазали бўлишади, бетгачопарликни ташлашади.

Кекса муаллим бўлишига қарамай, ҳамон 22-мактабда директорлик қилаётган, уруш ва меҳнат фахрийлари район кенгашига раис бўлиб турган Ҳоким Ҳошимов сўзидан кейин ўзига хос якун ясалди. Партия фахрийлари ХДП район кенгаши бошлаган ташаббуси маъқулланди. Бундай мулоқотларни анъанага айлантириш ҳақида фикр юритилди. Районда ҳозир уч минг ХДП аъзоси бўлиб, шундан 720 нафари янгитдан партияга қабул қилинган. Учта маҳаллада ХДП бошланғич ташкилоти тузилгани ҳам маълум бўлди. Отахонлар гурунгида 50 та партия фахрийсига 100 сўмдан моддий ёрдам кўрсатилганлиги эълон қилинди. Кексаларимиз кириб келаётган баҳор аёми билан муборакбод этилди.

Ҳ. НОСИРОВ.

● **МУАЛЛИФНИ ТАНИШТИРАМИЗ: Асқар Азимов 44 ёшда, жиззахлик. Ўзбек. Маълумоти олий. Самарқанд қишлоқ хўжалиги олий билимгоҳини тугаллаган. Олим — агроном. Тошкент олий партия мактабини битирган. Жиззах вилоят Кенгашининг ноиби. 1980 йилда партия ишига ўтди. Жиззах вилоят партия қўмитасида инструктор, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси партия комиссиясининг инструктори, халқ депутатлари Қарши район Кенгаши ижроия қўмитасининг раиси, сўнгра Баҳористон, Усмон Юсупов районлари партия қўмиталарининг биринчи котиби вазифаларида ишлаган. Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгашининг биринчи пленумида вилоят партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланган.**

ХАЛҚ демократик партиясининг таъсис қурултойидан кейин бўлиб ўтган воқеалар партия ташкилотларининг фаолиятлари ҳақида ўзига хос хулосалар чиқариш имконини беради. Хусусан, Ўзбекистон мустақиллиги референдуми ҳамда республика Президенти сайловларидан кейинги олдимизда турган энг долзарб вазифалар — эришилган ютуқларни халқнинг партияга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, дастурий вазифалар билан бирга Республика Президенти фармонларини изчил амалга оширишни ташкилий ва сиёсий жиҳатдан таъминлашдир. Бу Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган IV пленумида ҳам алоҳида таъкидланди.

Биз фаолиятимизнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистон ХДП аъзоси бўлган ноиблар гуруҳи тўғрисидаги низомнинг тасдиқланишига эришгандик. Вилоят партия кенгаши котиблари бошчилигида раҳбар органлар ва партия аъзолари бўлмиш халқ ноибларидан таркиб топган ишчи гуруҳлар тузилди. Ўтган йилнинг декабрь ойидаёқ вилоят партия кенгаши ижроия бюроси партия ташкилотининг ўз хабарномаси бўлиши керак, деган қарорга келди. Айни пайтда «Истиқбол сари» деб номланган хабарнома партия қарорларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, дастурий вазифаларнинг ижросини ҳаммага етказиш, партия ташкилотлари фаолиятида ошкораликни таъминлаш борасида изчил тадбирларни амалга ошираяпти.

Вилоятда партияга қабул қилиш, собиқ Компартия аъзоларидан янги партияга ўтишни хоҳлаганларни қайта расмийлаштириш тадбирларига талабчанлик билан ёндашилди. Илгари коммунист бўлган кишиларнинг 58,6 фоизи ХДП га кириш учун ариза бердилар. Бу иш ҳозир ҳам изчил давом этяпти. Айниқса бошланғич партия ташкилотларини тузиш, партия қўйи бўғинлари фаолиятини уюштириш ва кўпайтиришда қуйидан бўладиган ташаббусларга йўл очиб берилгани ҳам кенг қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, илгари Дўстлик район партия қўмитаси 1300 нафар коммунистни бирлаштирган, район ҳудудида 55 бошланғич ташкилот бўлган бўлса, ҳозир Дўстликдаги 31 та бошланғич ташкилот ўз сафига 1449 партия аъзосини бирлаштириб турибди. Илгари ҳеч қандай сиёсий партияга аъзо бўлмаган 600 нафарга яқин киши ўз тақдирини ХДП билан боғлади.

Фориш районида иккита посёлка Кенгаши ва тўққизта қишлоқ Кенгаши иш олиб боряпти. Халқ ноибларининг катта қисми — 207 нафари Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзосидир. Халқ ноибларининг 12 та гуруҳи тузилди. Улар ёрдамида кўп миллатли район аҳолисига партия ҳужжатлари, турли тавсиялар қозоқ, тожик тилларида етказилаяпти.

Афсуски, вилоятдаги барча партия ташкилотларида ҳам ўзига ва ўзгаларга нисбатан талабчанлик, ўзаро танқид талаб даражасида бўлмаяпти. Партияга қабул жараёнида шошма-шошарлик, ҳисоб-китоб ишларининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, энг ачинарлиси — масъулиятсизлик сабабли Жиззах шаҳри, Ғаллаорол, Зомин ва Октябрь районларида партия аъзоларининг сони турлича кўрсатиб келинди. Вилоят партия Кенгаши масалани чуқур ўрганганида ушбу ташкилотларда партияга қабул ишига юзаки ёндашилаётганлиги маълум бўлди. Шунингдек, бир қатор партия қуйи бўғинларида илгари партия аъзоси бўлмаган кишиларнинг ХДПга кириш ҳақидаги аризаларига бефарқ қаралаётгани ҳам аниқланди. Ҳатто ўз тақдирини ХДП билан боғлаган кишиларни шаҳар ёки район партия кенгашларига чақириб табриклаш ва суҳбатлашиш ҳақида ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмаган. Бундай номақбул ишлар бошланғич партия ташкилотлари котибларининг яқинда Дўстлик районида бўлиб ўтган семинар-кенгашида атрофлича таҳлил этилиб, камчиликларни тугатиш учун зарур чоралар кўрилди.

А. АЗИМОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят кенгашининг биринчи котиби.

ТАЛАБЧАНЛИК ВА ЁРДАМ

Бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва маориф органларини партиядан ҳоли қилиш ҳақидаги қарорнинг жойларда турлича қабул қилинганлиги ҳам бежиз эмас. Айримлар ҳатто республика Президентининг бу кўрсатмасини мазкур жамоаларда меҳнат қилаётган партия аъзоларининг сиёсий фаолиятларини тўхтатиш деб тушунмоқдалар. Шу сабабли ҳам партиядан ҳоли қилинган ташкилотларда ишловчи ходимларни партияга қабул қилиш бирмунча оғир кечмоқда. Энг аввало партияга аъзолик ҳар бир кишининг Конституцияда белгилаб берилган фуқаролик ҳуқуқи, шахсий иши эканлигини, ҳуқуқ нормалари ҳар бир кишини, унинг қайси сиёсий партияга аъзолигидан қатъи назар қонун йўли билан баравар ҳимоя қилинишини унутмаслик керак. Шу йўналишда кенг тушунтириш ишларини олиб боришимиз. Бу эса ўз самарасини беряпти. Масалан, Жиззах енгил саноат техникуми ва Пахтакор районидаги Ҳ. Олимжон номли мактабда ишловчи партия аъзолари сони собиқ Компартиядагига қараганда икки баробар ошди. Партиявий иш яхши йўлга қўйилган ҳудудий ташкилотлардаги аъзолар сони эса кундан-кун ўсиб боряпти. Динидан, милла-тидан, ижтимоий аҳволидан, келиб чиқишидан, дунёқарашидан қатъи назар жумҳуриятда яшовчи ҳар бир фуқарога нисбатан ижтимоий адолатни таъминлаш, ор-номус, қадр-қимматни ҳимоя қилиш мақсадида фаолият кўрсатаётган, аҳолига муносиб турмуш ва меҳнат тарзини яратишга интилаётган партия ташкилотлари сафига ҳозиргача йиғирмадан ортиқ миллат ва элат вакиллари бирлашди.

ХДП вилоят кенгаши аппарати батамом янгича ишлашга интилаяпти. Илгаригидек қуйи бўғинлардан турли ахборотларни мунтазам талаб қилишга чек қўйилган. Бундай эски усул ўрнини бошланғич ташкилотларда мунтазам бўлиб, партия аъзолари ва фаолларига амалий ёрдам кўрсатиш услуби эгаллади. Ҳозиргача шаҳар, район кенгашларида, бошланғич партия ташкилотларида партиявий ишни ташкил этиш бўйича 10 дан зиёд қўлланмалар тузиб, жойларда тадбиқ этилишини таъминлаяпмиз.

Аксарият район Кенгашлари бошланғич партия ташкилотлари котиблари ва партия фаоллари иштирокида кўргазмали семинарлар ўтказдилар. Ҳар бир шаҳар, район ва бошланғич ташкилотларда «Партия ахбороти» кўргазмалари ташкил этилган. Дўстлик район кенгашининг шу йўналишдаги иши кўпчиликка маъқул бўлаяпти. Кенгаш аъзолари ўз фаолиятлари ҳақида мунтазам ахборот бериб бориш билан бирга, бошланғич ташкилотлар котибларига партияга қабул, йиғилиш қарорларини ихчам ва аниқ қилиб, расмийлаштириш, аъзолик бадалларини йиғиш, турли ҳисоботларни тузишда яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Дўстлик, Зарбдор район кенгашлари жумҳуриятдаги мавжуд қонун-қоидаларга асосланиб ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш борасида дастлабки натижаларга эришдилар.

Партия фаолларининг доимо халқ орасида бўлишга интилиши, уларнинг дарди ва қувончига шериклиги туфайли аҳолининг ХДПга ишончи, меҳри ортиб бораяпти. Шу боис ҳам жойларда маҳаллий ҳокимият томонидан ҳал этилмаётган масалалар хусусида айнан Халқ демократик партиясининг турли ташкилотларига ариза, шикоят билан мурожаат этишмоқда. Жумладан, яқинда Мирзачўл районидан бир гуруҳ пахтакорлар Ғаллаорол районидаги Ғафур Ғулом номли давлат хўжалиги чорвадорлари ХДП вилоят кенгашига жумҳурият Президенти фармонларининг бажарилмаётганлиги ҳақида арз қилиб келишди. Ушбу масалалар ўрганилганда баъзи раҳбар ходимларнинг масъулиятсизлиги туфайли кишилар сарсон бўлиб қолаётганликлари маълум бўлди. Халқнинг партиямизга ишониб, мурожаат этаётганлиги биз учун қувончли, албатта. Аммо маҳаллий кенгашлардаги айрим раҳбарларнинг давр талаблари асосида ишлашга ўрганмаётганликлари кишини ранжитади.

Юқорида қайд этилган масалалар фаолиятимизнинг дастлабки даврида амалга оширилган айрим ишлар холос. Жумҳуриятдаги ижтимоий-сиёсий муҳит ва кўппартиялилик биздан ўз фаолиятимизни давр талабларига монанд ташкил этишни талаб қилмоқда. Ўтиш даврини тезроқ тугаллаб, жумҳуриятдаги сиёсий жараёнларда ўз мавқеимиз ва ўрнимизни эгаллашимиз учун вақт етди. Фурсатни бой бериш — партиямиз учун сиёсий таназзул бўлади. Мен шу ҳақда Марказий Кенгаш IV пленумида айтилган барча таклиф ва мулоҳазаларга тўла қўшилган ҳолда баъзи мулоҳазаларни айтишни лозим топдим. Ҳозирги пайтда партия ташкилотларининг ўрни ва ролини белгилаб берадиган асосий мезон — сиёсий партиялар тўғрисидаги қонуннинг шу пайтгача қабул қилинмаганлиги ишимизга зарар етказяпти. Парламент услубларида ишлайдиган партиямизнинг жумҳурият сиёсий тизимидаги бошқа жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари билан тенглаштириб қўйилганлиги партия аъзолари ва фаолларини ташвишлантирмоқда. Партиянинг парламент фаолияти ва қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб қисқа муддатларда ривожланган давлатлардаги сиёсий партиялар тажрибаси асосида қонун лойиҳасини тайёрлаш, республика Олий Кенгаши ва умумҳалқ муҳокамасига киритишни сира ҳам кечиктириб бўлмайдиган масала деб биламан.

Ушбу қонунда шунингдек, сиёсий партиялар мулки ҳақида ҳам қоидалар белгиланиши шарт. Партиямизнинг мулки масаласи фақат таъсис қурултойи қарори билан мустаҳкамланган холос. Бу борадаги партия мулки тўғрисидаги республика Президенти Фармони эса ҳали ўз кучини йўқотгани йўқ.

Умуман олганда партиянинг парламент фаолияти ҳали сезилмаяпти. Аҳолини ташвишлантираётган муаммолар бўйича қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқишда афсуски бизнинг ташаббускорлигимиз етишмаётир.

Жумҳурият ҳокимият ва бошқарув органларини такомиллаштириш ҳақида қабул қилинган қонун асосида жойларда ҳокимлар тайинланди. Аммо ҳокимлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгашлари ўртасидаги муносабатни белгилаб берувчи ҳокимлар ва ҳокимият ҳақида қонун ишлаб чиқилмаганлиги бошқа жумҳуриятлардаги сингари эътирозларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳокимлар билан тегишли партия ташкилотлари муносабати, партиянинг кадрлар сиёсатини амалга ошириш масалалари ҳам муаммолигича қолмоқда.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ва эркин нархнавога ўтиш республикамиз турмуш тарзида, вужудга келган ночор аҳволни янада мураккаблаштирди. Бу эса жумҳуриятдаги бошқа сиёсий гуруҳларга ўз сиёсий мақсадларини амалга оширишда қўл келмоқда.

Муайян лавозимларда ишлайдиган вакилларимизнинг тўраларча муносабати, халқ фаровонлигига қаратилган Президент Фармонларини амалга оширишдаги сансалорлик сабаб бўлмаётир. Бас, шундай экан тўрачилик йўлига ўтиб олган айрим раҳбарларга нисбатан партиямиз ва унинг жойлардаги ташкилотларининг муносабатини билдириш пайти келди. Бу масалани мен ҳокимият органлари билан низо чиқариш мақсадида эмас, балки халқ тарафини оладиган халқпарвар партия эканлигимизни амалда кўрсатиш зарурияти туғилганлиги учун айтмоқдаман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

б) Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни қабул қилингунга қадар 1-бандга мувофиқ ҳарбий қисмлардан чақириб олинган ва камида 18 ой хизмат қилган ҳарбий хизматчиларни заҳирага бўшатсин.

в) 1-бандга мувофиқ чақириб олинган ва заҳирага бўшатилиши лозим бўлмайдиган муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларни МДҲнинг Туркистон ҳарбий округи таркибига кирувчи қўшинларини, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қўшинларини, миллий хавфсизлик хизмати қўшинларини, миллий гвардия бригадасини комплектлашга, шунингдек, улар розилик билдирган тақдирда муқобил хизмат отрядларини шакллантиришга юборсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятининг вакиллик ва ижроия идоралари, Мудофаа масалалари вазирлиги муддатидан илгари заҳирага бўшатилган ҳарбий хизматчиларга (2-бандининг «Б» бандчаси) имкони бор даражада эътибор берсинлар, уларни ишга жойлаштиришнинг, зарурратга қараб эса ўқишни давом эттиришларининг аниқ чора-тадбирларини кўрсинлар.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Олий Кенгашнинг Давлат ва жамоат хавфсизлиги, мудофаа ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари комитети (ўртоқ В. Р. Ниёзматов) зиммасига юклатилсин.

5. Ушбу қарор матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ИЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 16 март.

ҚОЗОҚ МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ ҚУРУЛТОЙИ

Тошкентда қозоқ маданий маркази қурултойи бўлиб ўтди. Маълумки, Ўзбекистонда бир миллионга яқин қозоқ миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади.

Қурултой қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қутлови ўқиб эшитирилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар асосий диққат-эътиборни азалдан бир-бирига қўшни ва оға-ини ўзбек ҳамда қозоқ халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлашга қаратдилар. Айни вақтда улар Ўзбекистонда қозоқ миллий мактабларини кўпайтириш, миллий театр ҳамда нашриётлар очиш муаммоларига тўхталдилар.

Қурултой ишида бир гуруҳ қозоғистонлик меҳмонлар ҳам иштирок этишди.

(ЎзА).

НАВРЎЗОЛДИ УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

ДЎСТЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Хоразмда ҳар қачонгидан катта шоду хуррамлик, фаоллик ва хушчақчақлик билан ўтган «Наврўз» ҳайрия шанбалиги ўзгача шукуҳ, ўзгача бир баҳорий кайфият кашф этди. Бунинг боиси бор: кўҳна ва қадимий бу диёрга шу куни аср-асрлардан буён ён қўшни ва жон қўшни бўлиб яшаб келаётган азалий дўстлар — туркман ва қорақалпоқ халқларининг вакиллари ташриф буюришган эди.

Туркманистон жумҳуриятининг Тошовуз вилоят Кенгаши раиси Сафаргалди Матаев ҳамда Қорақалпоғистон жумҳуриятининг Олий Кенгаши раиси Давлатбой Шамшетов раҳбарлигидаги делегациялар вакиллари дўстлик сафари давомида Хонқа ноҳиясидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Ўктам Қурбонов бошлиқ бедачилик бригадасида пухта тайёрлаб қўйилган пайкалга яхши ният билан беда уруғи сепишди, янги барпо қилинаётган, яқин икки-уч йил ичида қарийб 25 гектарлик майдонни эгаллайдиган мевазорнинг дастлабки бир гектарига кўчатлар ўтказишиб, «Дўстлик боғи»га асос солишди.

«Наврўз» хайрия ҳашари куни бу хўжаликда меҳмонлар яна иккита унутилмас воқеанинг гувоҳи бўлдилар. Улар жамоанинг Қорамози участкасида қурилган 60 ўринлик замонавий ихчам қишлоқ шифохонаси ҳамда 400 ўринли янги «Маданият саройи» очилишида ҳам иштирок этишди. Хонқа дон маҳсулотлари комбинатининг ҳашаматли маданият уйида ўзбек, туркман ҳамда қорақалпоқ халқлари вакилларининг ўзаро дўстлик ва биродарлик мулоқотлари бўлиб ўтди.

Туркман ва қорақалпоқ халқлари вакилларининг «Наврўз» хайрия ҳашари куни Хоразм бўйлаб қилган дўстлик сафари шодиёналарида вилоят ҳокими Маркс Жуманиёзов ҳамроҳлик қилди.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ «ҚОРА ОЛТИНИ»— НЕФТЬ БОЙЛИГИ МУБОРАК БЎЛСИН!



ФАВВОРАНИ БЎЙСУНДИРГАНЛАР

1. МИНГБУЛОҚ КЎЗИНИ ОЧДИ • 2. СУЮНЧИ • 3. ЭЗГУ ТИЛАКЛАР • 4. ҚУВАЙТДАН ҚОЛИШМАЙДИ

1.

● Бу воқеа шу йилнинг 2 март куни, кундуз соат роппа-роса 14 да содир бўлди. Маҳмуджон Абдураҳмонов жамоа хўжалиги идорасига ҳайдов трактори сўраш учун келаётганди.

Қўприк ёнига етар-етмай оёғи остида худди зилзила пайтидагидек ер титрагани сезиб, аланг-жаланг атрофига қаради. Ана шундан сўнг дарё томондан гумбурлаган ва сўнг қулоқни қоматга келтириб ўткир чинқирган овоз келди. У ариқ марзасига чиқиб, дарё бўйидаги дала шийпони томонга тикилди. Шийпоннинг кун ботар томонида, икки юз қадамча нарида уч йилдан бери Андижон махсус чуқур бурғулаш ишлари бошқармаси иш олиб бораётганди. Не кўз билан кўрсинки, бурғу машинаси буғ ичига кўмилган, қоп-қора алланарса осмони фалакка фаввора бўлиб отилмоқда эди. Маҳмуджон трактورни ҳам унутиб далага қараб югурди. У билан қарамақарши қўшни бригаданинг бошлиғи Усмонжон Долимов ҳам ҳансираганча етиб келди. Нефть фаввораси кучайгандан кучайиб борар, уч-тўрт қадам кенгликдаги қоп-қора мойли суюқлик ариқ бўлиб ҳозиргина Маҳмуджон трактор киритишни мўлжаллаб турган етти гектарли картага оқиб ётганди. Бурғучилар эса худди эси оғган кишилардай фавворага қўл чўзиб, ҳовучини тўлдириб олган мойли нефтни бир-бирининг юз-кўзига чаплаб рақс тушмоқда эдилар.

— Буларга бир нарса бўлдими, ўзи? — Маҳмуджон Абдураҳмонов елка қисиб Усмонжонга сўз қотди. — Бояги портлашдан яна ҳушлари учган бўлмасин?

— Нефть бу, оғайни, нефть! — Усмонжон Долимов дўстининг билагидан ушлаб бурғучилар ёнига судради. — Бахтимиз бор экан, еримиздан нефть чиқди, нефть эмас, олтин чиқди.

Кўп ўтмай Наманган районидаги «Зарбдор» жамоа хўжалиги қишлоғи аҳолиси нефть чиққан Мингбулоққа етиб келишди. Бояги бурғучилар эса

БАҲОР ЧЕЧАК ЁЗГАНДА

Қайта тикланган Навоий вилоятида исми-жисмига монанд бир хўжалик бор. Бу «Наврўз» жамоа хўжалигидир. Мазкур хўжаликнинг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ.

У 1990 йил март ойида ошкоралик, қайта қуриш туфайли қадриятлар қайта тикланган, унутилаёзган урф-одатлар такрор кўз очган бир пайтда, янги йил — Наврўз тантаналари арафасида ташкил этилди. Яна қаерда денг: Навбаҳор районида. Бу ёғи Хатирчи, у ёғи Навоий, Пахтачи районлари билан туташ ана шу кенжа хўжаликда Қаҳрамон, Ҳужум, Қирқариқ, Олтмишкапа, Хончарвоқ қишлоқлари бор.

Хўжаликнинг асосий йўналиши пахтачиликдир. Бироқ наврўздиклар ғалла етиштириш, пиллачилик, боғдорчилик, чорвачиликда ҳам ўзига хос тажриба тўплашган. Ўтган хўжалик йилида улар пахта, пилла, дон, чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан мўмай даромад қилишди. Натижада тармоқдаги соф фойда миқдори қарийб тўрт миллион сўмга етди. Бу маблағ янги хўжаликда ободончиликни йўлга қўйиш, иқтисодий танглик даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, замонавий боғча ва мактаблар қуришга сарфланмоқда. Шунингдек, мойжувоз, тегирмон, бичиш-тикиш цехлари ҳамда ғишт заводи қурилди. Ҳозир бу қўшма тармоқларда юзлаб ёшлар самарали меҳнат қилишяпти.

Энг қувончлиси «Наврўз» жамоа хўжалигида баҳор байрами, яшариш ва яшилликлар даври, қадриятлар, мустақилликнинг илк баҳор байрами сайлига пухта тараддуд кўрилмоқда. Айни кунларда хўжалик аҳли, оқсоқоллари, кўп сонли депутатлар, Халқ демократик партияси аъзолари анъанавий бу халқ байрамини кенг нишонлаш, уни чинакам сайлга айлантириш чора-тадбирларини кўришяпти.

— Байрамдан байрамнинг фарқи бор, — дейди хўжалик бошқаруви раиси, халқ депутати Дилмурод Очилов. — Бироқ Наврўз миллатимиз, қадриятимиз, қадимий урф-одат ва анъаналаримизни шакллантирган, динимизни, иймону-эътиқодимизни қайтариб берган қутлуғ байрамдир. Шундай экан уни қанчалик кенг нишонласак, халқ сайлига айлантирсак арзийди. Шунинг учун биз Наврўзолди тадбирларини ишлаб чиқдик ва унинг ижросини ХДП хўжалик бошланғич партия ташкилоти котибаси Мавлуда Худоёрова билан ҳамкорликда бажаришга киришдик.

Дарҳақиқат, раис ҳақ гапни айтади. Наврўзни ҳар қанча шоду ҳуррамлик, эзгу ниятлар ила байрам қилсак ярашади. Айниқса, «Наврўз» деб аталувчи хўжаликда катта тантана қилинмоғи керак. Ана шундан бўлса керак хўжалик жамоаси дошқозонларда ҳалиса, ёрма, ғўжа пиширишни, сумалак сайли ўтказишни, баҳор кўкатлари ҳамда ялпиз, исмалоқ, кўксомса, кўкчучваралар тайёрлашни, хуштаъм зоғоралар ёпишни мўлжаллашаяпти. Булардан ташқари Наврўз куни хўжаликда «Ким яхши пазанда», «Кимнинг сумалаги мазали», «Миллий кийимдаги келинчак», «Қайси хонадон саришта» ва турли таомлар кўрик-танловлари ҳам ўтказилади.

Тантаналар арафасида экин-тикин ишлари бошлаб юборилади. Биринчи бор ерга барака уруғи чигит экилади. Бу тадбирни дастлаб Иброҳим Бобомуродов, Ғойибназар Соҳибназаров, Тошпўлат Аҳмедов бошлиқ бригадалар деҳқонлари бошлаб беришади.

Хуллас наврўзликлар ўзларининг баҳор байрамларини, жамоа хўжалиги ташкил топганининг уч йиллигини кенг нишонлаш тараддуди билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар.

М. ШАРОПОВ.

21 МАРТ–НАВРЎЗ БАЙРАМИ

• *Миллий таомларимиз*

СУМАЛАК

Сумалак тайёрлаш учун «жайдари» ёки «қайроқи» буғдой керак бўлади. Донни териб, совуқ сувда яхшилаб ювгач чинни идишга солиб, уч сутка ивитиб қўясиз, суви тортилса, сув қуйиб турасиз. Шу фурсат ичида буғдой бўрмойи)ни яхшилаб доғлаганингиздан сўнг оловдан олиб бирор соат давомида совутасиз. Ана шундан кейин ёғга ун ва биринчи сузиб олинган шарбатни қўшиб аралаштирасиз. Қуюқ-суюқлиги аталасимон ва қумоқлари йўқотилгача, бироз қайноқ сув қуйиб то пишгунча қайнатаверасиз. Агар сумалак тайёрлашни эрталаб соат ўнларда майсани янчиш, сузиш, ёғини доғлаш, ун ва шарбат чайишдан бошланса, соат 12 ларда қайнатиш бошланади ва соат 24 гача қайнатиб, сўнг оловини тортиб олинади, қозонга тоғара тўнтариб, устидан тўшак билан ўраб эрталабгача димлаб қўйилади. Буни нонушта дастурхонига пиёла ва косаларга қўйиб, совиган ҳолда тортилади.

Тансиқ таомнинг шифобахшлигини тўла рўёбга чиқариш учун уни ушбу қоидага беистисно риоя қилиб, истеъмол этмоқ жоиз. Чунончи, сумалак пиширилган куни бошқа овқат емай ёлғиз шу таом билан парҳез қилмоқ даркор. Иложи бўлса, парҳез икки кун давом эттирилгани маъқул. Уни чой билан нонга тегизиб ялайбериш зарур. Баъзилар билиб-билмай гўштли, ёғли овқатлар, балиқ ва бошқалар аралаш тановул қилиб қўяди. Агар шундай қилинса, бу таомнинг шифолиги қирқилиб кетади.

Бир оиланинг бир ҳафталик истеъмолига сумалак тайёрлаш учун 0,5 кг буғдой ундирилади. Бунга 2 кг ун чайилади, бир кг пахта мойи доғланади, 15 — 20 дона силлиқ тошчалар керак бўлади. 10 — 12 дона ёнғоқ олинади. Пўчоғи билан қайнатилган ёнғоқларни чақиб, мағзини сумалак билан бирга дастурхонга узатасиз.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

«ГУЛНОРА» КИЧИК КОРХОНАСИ

Енгил автомобиллар ғилдираклари мувозанатини ростлайдиган «ЭЛДИС—1200» (балансировка) дастгоҳини ва автомобиллар махсус ускуналарини нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотади.

Тошкент шаҳридаги 34-25-81 телефони бўйича 9.00 дан 18.00 га қадар тегишли маълумот олиш мумкин.

Муштарий:

...ХАБАР БЕРАДИ

УРУҒЧИЛИК БРИГАДАСИ

«Ўзбекистон» жамоа хўжалигида уруғчилик бригадаси ташкил этилди. Бу ишни меҳнат фахрийси, тажрибали деҳқон Саври Бўронов ўз зиммасига олди. Энди улар пиёз, сабзи ва бошқа экинлар уруғини хўжаликнинг ўзида тайёрлайдиган бўлдилар. Натижада хўжаликда уруғликлар учун сарфланадиган маблағ иқтисод қилинадиган бўлди.

Собир ҚОДИРОВ,
Пешку райони.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

КЎПРИК ҚАЧОН ҚУРИЛАДИ?

Ховос районига қарашли Тимирязев номли давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган ва қўшни Тожикистон жумҳуриятининг Ўратепа шаҳрига бориладиган йўлда бундан 4 йил олдин кўприк қурилган эди. Кўприк сифатсиз қурилгани учун ҳам бир йил ўтмай сел натижасида бузилиб кетди. Лекин орадан қарийб тўрт йил ўтган бўлсада, унга эътибор берилмаяпти. Аҳоли эса ниҳоятда қийналяпти.

Бу ҳақда ўтган йил январь ойида жумҳурият ва вилоят рўзномаларига ариза ёзган эдик. Хатларимиз Ховос район кенгаши ижроия қўмитасига юборилган экан. Район йўл қурилиши ташкилоти бошлиғи Тоҳир Умарқулов Тимирязев номли совхозда кўприк қурилиши 1991 йилнинг учинчи чорагида тугалланиши ҳақида жавоб хати ёзган. Лекин қурилишдан ҳамон дарак йўқ.

Бундан ташқари Ховос район йўл қурилиши идораси бошлиқлари ўз вазифаларини етарли бажармаётгани туфайли йўллар вақтида тузатилиб, асфальт қилинмайди. Шу туфайли Чанговул қишлоғидан Тимирязев номли совхоз марказига борадиган 18 километрлик йўл ҳамда «Ховос» совхозидан Ўратепа шаҳри чегарасигача бўлган 15 километрлик йўл уйдим-чуқур бўлиб кетган. Бу ҳақда биз бир неча марта вилоят йўл қурилиши бошқармаси раҳбарларига ҳам арз қилиб бордик. Ҳамон натижа йўқ.

Т. ОСТОНАҚУЛОВ,
Ховос райони.

...МУЛОҲАЗА БИЛДИРАДИ

ОДАМДАН ҚОҒОЗ АФЗАЛМИ?

Отам Мирасил Абдурасулов 1880 йилда Бўстонлиқ районидаги Хўжакент қишлоғида туғилган. 1929 йилгача ўзига тегишли ерда деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланди. Шу йили янги ташкил этилган Сталин номли колхозга ихтиёрий равишда аъзо бўлиб кирди. От, сигир, иккита ҳўкизини колхозга топширди.

Бир йил ишлагандан сўнг 1930 йилда туҳмат билан қамоққа олинди. Отамга тегишли бўлган чорва моллари колхоз ихтиёрига ўтказиб юборилди. Иморатлар ва бошқа уй-рўзғор буюмлари ким ошди савдосида сотиб юборилди. Онам бечора етти бола билан кўчада қолди. Турли одамлар эшигида сарсон бўлиб яшадик. Колхозда ишлаб бир амаллаб жонимизни сақладик.

Отам қамалганидан уч ой ўтгач Чимкентдаги қамоқхонада қийноқдан вафот этганини эшитдик. Ўша пайтда отамни Чимкентдаги қамоқхонага кузатиб борган назоратчилардан икки киши тирик. Улар бу ҳақда гувоҳлик беришлари мумкин. Бундан ташқари отамнинг мол-мулки, мол-ҳоли мусодара қилинганлигини тасдиқловчи одамлар бор. Лекин суд қонун йўқлигини баҳона қилиб, товон ундириш ҳақидаги даъвоимни инобатга олмаяпти.

Наҳотки суд тирик одамларга эмас, қандайдир қоғозларга ишонса! Қолаверса, ўша пайтдаги ҳужжатлар турли сабабларга кўра йўқ бўлиб кетган-ку! Қатағон йиллари қурбонлари азоблари маънавий жиҳатдан бартараф этиш иложи йўқ экан, ҳеч бўлмаса олиб қўйилган мол-мулки учун товон тўлаш керак эмасми?

Чунки, гулдай умри бегуноҳ хазон бўлиш билан ҳалол меҳнати эвазига топган мол-мулкидан айрилганлар жумҳуриятимизда анча. Уларнинг фарзандлари тегишли маблағни ололмаяптилар. Халқ ноиблари бу ҳақда ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди. Қолаверса, бу бекордан бекорга қурбон бўлган инсонлар руҳи покига ҳурматимиз, тирик етимлар олдидаги бурчимиздир.

Абдукарим МИРАСИЛОВ.
Чирчиқ шаҳри.

* • *Янгиликдан хабарингиз борми?* *

Андижон шаҳрида кўп тармоқли болалар шифохонаси фойдаланишга топширилди. Шифохонада 12 бўлим мавжуд. Бу ерга хорижий эллларда ишлаб чиқарилган тиббий ускуналар ўрнатилган.

Шифохонада юздан зиёд врач ва 470 га яқин ўрта тиббий маълумотга эга бўлган мутахассислар ишлашмоқда.

Суратларда: 1. Шифохонанинг умумий кўриниши. 2. Ҳамшира Флора Шагидуллина кичиклар даврасида. 3. Даволаш физкультура хонасида машғулот.

Ш. АЛИМОВ олган суратлар (ЎзА).

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИДА МАШҒУЛОТЛАР

• *ЗАМОНАСОЗЛИК*

Бир гуруҳ акционер ва брокерлар ишбилармонлик миллий дорилфунунида иқтисодий ва ҳуқуқий саводларини оширишмоқда. Ўқувни ташкил қилишни «Тошкент» биржаси ўз зиммасига олди.

Ишбилармонлардан 35 нафарига «Акционерлик, қимматбаҳо қоғозлар билан муомалалар», 16 нафарига «Халқаро савдонинг асослари, биржалар ва брокерлик идораларининг фаолиятини ташкил қилиш» курсини тамомлаганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар топширилди.

Дорилфунунда машғулотлар ишбилармонликнинг обрўси ва ижтимоий моҳиятини ошириш шарт-шароитлари, ватанпарварлик туйғуларини ўстириш, гражданлик мавқеини кучайтиришга қаратилди. Суҳбат ва машғулотларни атоқли олимлар, бозор иқтисодиёти шароитида иш олиб бораётган йирик мутахассислар олиб бордилар. Техника фанлари доктори, профессор С. А. Салимов «Савдо-воситачилик муомалаларининг асослари», «Биржаларни ташкил қилиш ва уларнинг иши» каби мавзуларда суҳбатлар ўтказди. Қимматбаҳо қоғозлар билан муомала тўғрисида профессор М. С. Ангелиди батафсил гапириб берди. Ўзбекистон Республикаси Божхона бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. А. Ориповнинг «Божхона қонунчилиги асослари», «Халқаро иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг ташқи иқтисодий фаолиятини назорат қилиш» мавзуларидаги маърузалари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Иқтисод фанлари номзоди Н. Э. Соколинскаянинг фикрлари ҳам маъқул келди. У ишнинг кўзини билиб, қимматбаҳо қоғозлар билан муомалада бўлиш тўғрисида гапириб берди.

«Тошкент» биржаси директори вазифасини бажараётган В. В. Ергашбоев, брокерлик идорасининг бошлиғи С. П. Шаҳобиддинов, бўлим бошлиғи Т. Х. Шодибоев, бош бухгалтер Н. Д. Самульская, фонд бўлимининг катта даллоли В. Д. Жўраевларнинг тушунтириш ва маслаҳатлари ҳам эътиборни тортди. Машғулотлар сўнгида «Биржадаги савдо», «Фючерс биржалари», «Фонд биржаси», «Валюта биржаси» бўйича компьютерларда ишбилармонлик ўйинлари ўтказилди.

Машғулотлар давомида бўлғуси акционерларга «Тошкент» биржасида 1992 йил 30 январда ўтказилган ва 3,5 миллион сўмлик битимлар тузилган қимматбаҳо қоғозларнинг биринчи савдосида қатнашишга имкон берилди. Улар савдода қимматбаҳо қоғозлар билан муомала бўйича тажриба орттирдилар, аукцион ва битимлар рўйхатдан ўтказилди, расмийлаштиришнинг намуналари намойиш этилди.

«Қўқон» брокерлик фирмасининг директори Р. Р. Набиевнинг «Қимматбаҳо қоғозлар ва уларнинг классификацияси» деб номланган битирув иши талабчан комиссия томонидан юқори баҳоланди. Шунингдек, ўзбек акционерлик савдо-саноат, саноат-қурилиш банки бўлинмаси бошқарувининг ўринбосари Х. Ш. Шоиноғамовнинг «Қимматбаҳо қоғозлар билан муомалалар» иши ҳам таҳсинга лойиқ бўлди.

Шундай қилиб, «Қимматбаҳо қоғозлар бўйича мутахассис» деган касб пайдо бўлди.

Р. ХОШИМОВ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

қуйидаги ихтисослар бўйича 1992 йил учун аспирантура ва клиник ординатурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ АСПИРАНТУРА:

одам анатомияси; нормал физиология, тери ва таносил касалликлари; патологик анатомия; гистология; стоматология; урология.

СИРТҚИ АСПИРАНТУРА:

акушерлик ва гинекология; стоматология.

КЛИНИК ОРДИНАТУРА:

акушерлик ва гинекология, ички касалликлари; жарроҳлик, нур воситасида ташхис қўйиш; педиатрия; асаб касалликлари; фтизиатрия; тери ва таносил касалликлари; анестезиология ва реаниматология; болалар жарроҳлиги; юқумли касалликлар; психиатрия; кўз касалликлари, қулоқ-томоқ-бурун касалликлари; клиник доришунослиги; урология; эндокринология; стоматология; нейрохирургия.

Конкурс қатнашчилари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: ректор номига ариза, тавсифнома, диплом ҳамда интернатурани битирганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхалари, таржимаи ҳол, ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, 3 та фотосурат. Аспирантурага кирувчилар эса қўшимча равишда синов дафтарчасидан кўчирма, эълон қилинган ишларнинг ксероксда олинган нусхалари ёки мутахассислиги бўйича реферат ҳам топширадилар.

Шифокорларни клиник ординатурага қабул қилиш шартномавий асосда амалга оширилади.

ҲУЖЖАТЛАР 28 МАЙГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700047, Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 103-уй, аспирантура бўлими.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Мусиқа жамғармаси Бошқарувлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, композитор, Ўзбекистон Композиторлар уюшмасининг аъзоси Х. И. Изомовга отаси

Ғуломжон ИЗОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Иккинчи Тошкент Давлат Тиббиёт олий билимгоҳи жамоаси ва асаб касалликлари шўъбаси ходимлари шу шўъба доценти С. Нуриддиновга онаси

Улуғой МУХАБУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳридаги 4-шифохона маъмурияти ва касаба уюшмаси жамоаси шифохона ходими

Музарра ТУРАЖОН қизининг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Иккинчи Тошкент Давлат Тиббиёт олий билимгоҳи жамоаси олийгоҳ умумий жарроҳлик кафедрасининг мудири, профессор З. Р. Янгибоевга онаси

Омонжон ЯНГИБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (маъсул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: мўштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-26-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г — 15.

№ 54.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.45. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.